



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 22 декабр, чоршанба № 181 (828)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мана бир неча йилдирки, Навоий кон-мелтургия комбинати таркибида «Агама» трикотаж фирмаси фаолият кўрсатаётир. Замонавий кийим-кечак ва пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган бу фирма махсулотига хорижда ҳам талаб ортмоқда.

Зарафшон шаҳрида мазкур фирма томонидан қурилатган комбинатнинг биринчи навбати махсулот бера бошлади. Бу ерда пахта ва акрилдан газлама учун янги хил ип тайёрлаш ўзлаштирилди. Фирма ва унинг жойлардаги корхоналарида ўнлаб турда кийим-кечак ва пайпоқ ишлаб чиқарилмоқда. «Агама» тамғаси туширилган махсулот корхонага тегишли 17 та дўконда сотилмоқда.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚАШҚАДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Фидокорлар миллий-демократик партиясидан Ўзбекистон Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислон Каримов 21 декабр куни Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Президентини сайловни ўтказувчи 13-Қашқадарё округ сайлов комиссиясининг раиси Назар Ҳакимов очди.

Ислон Каримовнинг ишончли вакили - Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов йиғилганларни Президентликка номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловди дастури билан таништирди. У Ўзбекистоннинг сийёси ва иқтисодий мустақилликка эришишида, мустақиллик йилларида мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилишида, маънавий қадриятларимизнинг тикланишида, жаҳон ҳамжамиятида давлатимизнинг обрў-этибори ортиб боришида Ислон Каримовнинг хизматлари катта эканлигини таъкидлади.

Учрашувда Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Қашқадарё - мамлакатимизнинг кўплаб табиий заҳиралари жойлашган худудларидан бири. Улкан имкониятларга эга бўлган, гузал ва бекоркор, Оллоҳнинг назари тушган макон. Ўз юртини обод этиб, шу воҳага садоқат билан яшаётган мард ва жасур инсонлар Ватанидир, деди Ислон Каримов.

Йўлбошчимиз кейинги йилларда вилоятда 60 га яқин sanoat корхонаси барпо этилганини қайд этиб, бундай иншоотларнинг қуриб ишга туширилгани нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Барпо этилаётган Шўртан газкимё мажмуи мамлакатимиз халқ хўжалиги, умуман иқтисодий салоҳиятимиз юксалиши учун алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бу корхона бир йилда 125 минг тонна полиэтилен хомашёси, 103 минг тонна конденсат ва 142 минг тонна суюлтирилган газ махсулотлари ишлаб чиқаради. Корхона қурилишига АҚШ, Германия, Япония, Италия ва бошқа давлатларнинг нуфузли компаниялари жалб этилиб, 1 миллиард 300 миллиондан кўпроқ АҚШ доллари миқдоридagi сармоя сарфланиши кўзда тутилган.

Ислон Каримов мамлакатимизнинг галла мустақиллигини таъминлашда қашқадарёликларнинг жуда катта ҳиссаси борлигини таъкидлади. Бу йил 505 минг тоннага яқин дон этиштириб, давлатга галла сотиш шартнома режасини шараф билан бажарган вилоятнинг заҳматкаш деҳқонларига чин қалбдан ташаккур изҳор этди.

Бу ютуқлар билан бирга, Ислон Каримов Қашқадарё пахтакорларининг

нинг сўнги икки йил давомида белгиланган марраларга эриша олмагани сабабига тўғалиб, буни аввало, олиб борилаётган ислохотларнинг иш услубимизга етарли даражада амалий таъсир кўрсатмаётгани билан изоҳлади.

Бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида гапирар экан, Ислон Каримов, аввало, мулкдорлар сафини кенгайтириш, уларга ҳар томонлама йўл очиб бериш, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бу соҳадаги сиёсатнинг бош йўналиши, мазмун-мақсади эканлигини айтиб ўтди.

Мен ҳаётимнинг мазмунига айланиб кетган бир гапни сизнинг ҳузурингизда яна такрорламоқчиман, деди пировардида Ислон Каримов.

2000 йил 9 январ - Ўзбекистон Республикаси ПРЕЗИДЕНТИ сайлови куни

Мен учун Ватан озодлиги, халқимизнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан ўзга олий саодат йўқ.

Сайловчилар билан учрашувда сўзга чиққан «Нуроний» жағғармаси вилоят бўлимининг раиси Соиб Усмонов, Қарши шаҳридаги академик лицей ўқитувчиси Муҳаббат Шаропова, Қарши туманидаги фермер хўжалиги раҳбари Лев Ким, Қарши Давлат университетининг талабаси Наргиза Мадатова, Касби туманидаги Х.Хўжакулов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Эргаш Турсунқулов номзоднинг инсон ва раҳбар сифатидаги фазилатлари, мустақил юртимизда рўёбга чиқаётган буюк орзуларимиз бевосита унинг номи билан боғлиқлиги тўғрисида гапирди. Вилоят аҳлини 2000 йил 9 январда ўтадиган Президент сайловида Ислон Каримов учун овоз беришга чақирди.

Шу куни Ислон Каримов Қарши шаҳридаги Сайилгоҳ мажмуи, Темирйўл шохбекати майдонидаги ҳийбонни бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари бундай масканлар халқимизнинг сеvimли оромгоҳларига айланиши кераклигини айтиб, бу ерда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кўламини кенгайтириш лозимлигини ўқтирди. Қарши шаоротида кўкаламзорлаштиришга эътиборни кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Мусулмон НАМАЗОВ, Абдужалол ТАЙПАТОВ (ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Саналар ўзгарганда /2000 йил муаммоси/ ҳаводаги парвозларни компьютер билан бошқаришда юз бериши мумкин бўлган узлишлар оқибатларининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Саналар ўзгарганда /2000 йил муаммоси/ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ҳаво бўлишида парвозларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан: «Узэронавигация» маркази ва фуқаро авиациясидан фойдаланувчилар билан биргаликда саналар ўзгарганда /2000 йил муаммоси/ парвозларни таъминлаш юзасида Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти /ИКАО/ томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар комплексига амалга

оширилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси тузилмаларининг саналар ўзгариши даврида ишлашга тайёрлиги текшириб чиқилганлиги; Ўзбекистон Республикасида ҳаводаги парвозларни компьютер тизимидан фойдаланмасдан горизонталь, вертикаль ва бўйламосига эшелонлаштиришни қўлланган ҳолда бошқаришнинг захира вариантлари ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг:

саналар ўзгариши даврида Ўзбекистоннинг рўйхатдан ўтказиш белгиларига эга

бўлган ҳаво кемаларининг парвозини вақтинча тақиқлаш;

1999 йил 31 декабр соат 22.00 дан 2000 йил 1 январ соат 12.00 гача /маҳаллий вақт билан/ фуқаро авиацияси аэропортларидан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси /Рўзметов/, «Чалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти /Қучеров/, «Авиализинг» /Смирнов/, «Семург» /Тухватуллин/, «Интер Карго Сервис» /Пўлатов/ авиакомпаниялари вақтинчалик чеклаш даврида тасарруфларидаги тузилмалар

ҳаракатини қўшимча назорат қилишни ва мувофиқлаштириб боришни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси /Тян/ Ўзбекистон ҳаво йўллари- миллий авиакомпанияси /Рўзметов/, «Узэронавигация» маркази /Ашуров/ транзит буйича учувчи ва Ўзбекистон аэропортларида қўрсатиб ўтилган саналарда ҳамда вақт оралиқларида қўшимча назорат тутмайдиган хорижий ҳаво кемаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳаво бўлишидан фойдаланишини белгиланган тартибда амалга оширсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси /Тян/ Ўзбекистон Республикаси ҳаво бўлишидан фойдаланувчилари фуқаро авиацияси аэропортларидан фойдаланишни вақтинчалик чеклаш жорий этилиши тўғрисида хабардор қилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Л.Ахметов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 21 декабр



2000 йил 9 январ - Ўзбекистон Республикаси ПРЕЗИДЕНТИ сайлови куни

ОЛИМЛАР АҲДИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида мамлакат Президентлигига Ислон Каримов номзодини кўллаб-қувватлашга бағишланган митинг бўлиб ўтди.

Фанлар академияси президенти Т.Жўраев митингни очар экан, юртимизда мустақиллиқни қўлга киритиш ва мустақамлаш, миллий ўзбек давлатчилиги асосларини яратиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш, халқимизнинг минг йиллик қадриятлари ҳамда анъаналарини тиклаш, илм-фанни изчил ривожлантириш борасидаги барча улугвор ишлар Ислон Каримов номи билан бевосита боғлиқ эканини айтди.

Сўзга чиққанлар Юртбошимизнинг жамиятда янги маънавий ва ахлоқий қадриятлар устуворлигини, тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувлиқни таъминлашдаги роли беқўёслигини таъкидладилар.


Митинг қатнашчилари мамлакатимиз барча олимларини 2000 йил 9 январда бўлиб ўтадиган Президент сайловида Ислон Каримов учун овоз беришга чақирдилар.

Богот туманидаги Ўзбекистон - Британия - Россия ҳамкорлигида ташкил этилган «Хива» қўшма корхонасининг ишга тушганига ҳам олти йил бўлди. 1994 йилдан иш фаолиятини бошлаган бу корхонада асосан тиббий моимқ ишлаб чиқарилади.

Айни пайтда, мазкур корхонада 65 нафар ишчи ишламоқда. Улар ишлаб чиқараётган махсулотлар асосан экспорт қилинади. Корхонада ишчилар учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Суратларда: 1.корхонанинг хом-ашё тозалаш бўлимида ишлар кизгин. 2.операторлар (чапдан) Юсуфбой Сатторов, Сотимбой Абдуллаев, Камол Худойберганов ва Шароф Жабборовлар.

Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.



ҚИЗИҚАРЛИ ҚўЛЛАНМА

Қизил Ярим ой Миллий Жамиятида бундан бир йил аввал ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчилари учун мўлжалланган «Инсон ва жамият» ўқув курсига доир қўшимча қўлланмага бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мазкур қўлланманинг синовдан ўтишида иштирок этган мутахассислар ва ўқувчилар иштирок этди. Ўзбекистоннинг бир неча вилоятларида ўтказилган тажриба муваффақиятли яқунлашиб, синов қатнашчилари томонидан юқори баҳоланган, Халқаро Қизил Ҳоч Қўмитаси мазкур қўлланманинг 500.000 лик адади ва ўқитувчилар учун ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларидаги 50.000 нусха услубий тавсияноманинг нашр ҳаражатларини тўлади. Хозиргача 300 мингта ўқув қўлланмаси ва 50 минг услубий тавсияномалар республика мақомаблари бепул тарқатилди.

Қўлланма Халқаро Қизил Ҳоч Қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Қизил Ярим ой Миллий Жамияти томонидан ҳамкорликда тайёрланган. Бу жараёнда ўзбекистонлик мутахассислар ҳам иштирок этган. Китобча халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи буйича муҳим қўлланма бўлиб қолади.

Конференция иштирокчилари орасида ўқув қўлланмасининг синовдан ўтишида бевосита иштирок этган, ҳозирги кунда Тошкент Иқтисодий университетини халқаро иқтисодий муносабатлар факультетининг 1 курс талабаси Алишер Ниезов ҳам бор эди.

Ўтган йили биз «Инсон ва Жамият» дарслигини тузиш бўйича Халқаро Қизил Ҳоч Қўмитаси лойиҳаси ижросида қатнашган эдик, - деди Алишер. - Китоб-тажриба бизнинг синфда ҳам синовдан ўтди. Қўлланма ўзининг мазмуни, материалининг ёритилиши, дарсда қўлланиши жиҳатидан одатдаги дарсликлардан кескин фарқ қилади. Мактаб тарихида биринчи марта мактабимизга дарслик муаллифлари қўлиб, биз билан суҳбат ва машқлар ўтказди. Биз ўтишни 2 ойга мўлжалланган 8 та машғулотнинг 2 кун ичида ўтдик десам, муболаға бўлмайдди. Ўқув қўлланмаси шунчалик қизиқарли эдики, ҳатто менинг ота-онам ҳам уни ўқиб чиқди. Дарсликда ўқувчиларда табиий қизиқиш уйғониши учун ҳамма нарса бор. Унда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатадиган гоғлар ўз аксини топган.

Азамат СУЮНОВ, журналист.

ҚАМЧИҚ ДОВОНИДА - ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг вазифаси нафақат юз берган кўнгилсиз ҳодисалар оқибатини бартараф этиш бўлмай, уларнинг олдини олиш, имкон қадар аҳоли ўртасида тарғибот ишлари олиб бориш ҳамдир.

Яқинда, вазирликка қарашли авария-қутқарув бўлинималари «Тошкент - Қўқон» автомагистрал йўлининг «Қамчиқ» довоида тактик-ўқув тайёргарлик машғулотларини ўтказдилар. Ғарчанд тоғда қор қалин ёриб, ҳарорат бироз пасайиб бўлса-да, мардлик ва матонат кўрсатилганлиги боис тадбир муваффақияти таъминланди. Машғулотларни ўтказишдан асосий мақсад - катта автомагистрал йўналиши бўйлаб қатнаётган йўловчи ва ҳайдовчиларнинг хавфсизлигини муҳофаза қилиш, шу билан бирга табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, унинг зарарли оқибатларини зудлик билан бартараф этиш, жабрланганларга шо-

шилчи тез тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат эди. Чунки қишли-қировли кунлар бошланганига қарамай, айни пайтда автомагистрал йўналиши бўйлаб бир кечаю-кундузда 10 мингдан 15 минггача турил-туман русумдаги транспорт воситаларининг қатнов кузатишмоқда. Қиш мавсуми пайти «Қамчиқ» довоида қалин қор ёғиши натижасида давлат автомобил йўллари музлаши, ён-атрофининг қуюқ туман билан қопланиши, ер ва қор қўқилари содир этилиши ва бошқа табиий офатларнинг рўй бериши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бунга шу йилнинг 21 ноябрда юз берган қор қўқисси мисол бўла олади.

Шунинг учун ҳам Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида «Тошкент - Ўш» автомагистрал йўли (айниқса, Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидан Наманган вилоятининг Поп туманигача бўлган масофа)

да қатнаётган йўловчи ва ҳайдовчиларнинг хавфсизлиги ва саломатлигини таъминлаш, йўл-транспорт воситалари қатновини янада яхшилаш чора-тадбирларини кўришни вақтининг ўзи тақозо этаётти.

Оҳангарон туман марказий шифохонаси бош врач Аъзам Мирсиддиқовнинг айтишига қараганда, 5 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 20 та фельдшер-акушерлик ва қишлоқ врачлик пунктлари мавжуд бўлиб, улар айни вақтда беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатаётти. Шунингдек, замон талабларига жавоб берадиган жарроҳлик ва травматология ҳамда реанимация бўлиmlари жиҳозланди. Бундан ташқари Фавқулодда вазиятларда жабрланган аҳоли ва йўловчиларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун 40 ўринли махсус жой тахт қилиниб, кечаю-кундуз навбатчилик жорий этилган.

Кўнгилсиз воқеаларнинг юз бермаслиги учун авария-қутқарув кўчалари ҳар қан-

дай вазиятда шай туришлари, ДАН ходимларининг ҳаммиса сезгир ва хушёр бўлишлари, айниқса тоғ йўллари атрофида жойлашган фельдшер-акушерлик, қишлоқ врачлик амбулаториялари ва пунктларида фаолият кўрсатаётган соғлиқни сақлаш ходимларининг тажрибаси ва малакасига эътибор қаратиш муҳим масалалардан биридир.

Тактик-ўқув тайёргарлик машғулотлари давомида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги авария-қутқарув бошқармаси бошлигининг ўринбосари, полковник Рамил Сайфуллин, вазирлик тиббий-биология бўлимининг бошлиғи, тиббий хизмат полковниги Ринат Залаялетдиновлар ҳамроҳлигида Наманган вилоятининг Поп тумани марказий шифохонасига қарашли Резак қишлоқ тиббиёт масканини кўздан кечириб, «Тошкент - Ўш» автомагистрал йўлининг 182 километрида, яъни йўлнинг ўнг бикинида қадқтарган икки қаватли да-

волаш масканида маҳаллий аҳоли ва йўловчиларга тиббий хизмат кўрсатиш учун шароитлар етарли эканлигига амин бўлди. Бу ерда акушерлик, физиотерапия, зарарсизлантириш ва эмлаш хоналари беморлар хизматига шай.

Зеро, мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармойиши тиббиёт ходимлари учун келгусида ўз йўналишини белгилаб олишларида зарурий ҳужжатдир. Бу ўз навбатида Поп тумани ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарияти зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Ўқув чоғида камчиқларга ҳам дуч келинди. Хусусан, катта йўл бўйида жойлашган Оҳангарон туманига қарашли Қурама қишлоқ врачлик амбулаториясидаги шартли ҳозирги давр талабларига жавоб беради, деб айтиш қийин. Транспорт воситалари серқатнов жой

бўлганидан ташқари, шу атрофда истикомат қилаётган 6500 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиши лозим бўлган бундай амбулаторияларда албатта дори-дармонлар захираси яратилиши талаб этилади. Биз билан сарфарда бўлган Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Улуғбек Акмалов тез кунлар ичида бу ерда таъмирлаш ишлари олиб борилишини ва ушбу амбулатория тиббиёт пунктига айлантирилишини, шунингдек, аттестация ҳайвандан ўтган малакали тиббиёт ходимлари билан таъминлашни ҳамда даволаш-профилактика ишлари намунали йўлга қўйилишини айтди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, тактик-ўқув машғулотларининг вақтинчалик билан ўтказилиб турилиши мамлакатимиз авария-қутқарув кўчаларида ишга солмоқдалар.

Азамат СУЮНОВ, журналист.

Прокурор назорати

АМАЛИЙ ИШГА ҚАЧОН КИРИШИЛАДИ?

«Озодалик — соғлиқ гарови», «Соғ танда — соғлом ақл» каби ибратли мақоллар кундалик ҳаётимизда тез-тез ишлатиб турилади. Дарҳақиқат, тозаллик, озодаллик нима етсин.

Бироқ айрим озиқ-овқат дўконлари, ошхоналар, бозорларимизда халқ истеъмол молларининг маъжуд санитария қонунларига зид равишда сотилаётган ҳоллар учраб турибди.

Ўзбекистон Республикасининг «Санитария назорати тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Республика Президентининг 1998 йил 2 мартдаги «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Фармони юқорида таъкидлаб ўтилган салбий ҳолатларнинг олдини олиш, истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатиш каби мақсадларни кўзлаб чиқарилган эди. Хўш, натижа қандай бўлмоқда?

Афсуски, ўтказилган текширишларда айрим жойларда мазкур Қонун ва Фармон ижроси юзасидан етарли ишлар олиб борилмаётгани, савдо шохобчалари ва ошхоналарда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмаётганиги маълум бўлди. Масалан, «Чехра» жамоа савдо фирмасига қарашли озиқ-овқат дўконидега текшириш ўтказилганда савдода ва омборхонада мuddати ўтиб

ган 2250 сўмлик жарима б ойдан сўнг ундирилган. Шу сабабли туман прокуратураси томонидан мазкур қарорга протест киритилди. Хўш, мутасадди раҳбарларнинг ўзлари томонидан содир этилаётган бу каби хато ва камчиликлар халқимизнинг «Балиқ бошидан...» деган иборасини эслатадими?

Биз юқорида сўз юритган камчиликлар аввало «Санитария назорати тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилишида қатъий ҳамда амалий ишлар қилинмаётгани, жойларда етарли даражада тушунтириш ишлари олиб борилмаётганилиги оқибатда юзага келмоқда. Қолаверса, лоқайдлик, ўз вазифасига нисбатан совуқоналарини давом эттирган. Унга нисбатан туман прокуратураси томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилиб, ҳужжатлар судга юборилди.

Вилоятдаги шаҳар ва туманлар санитария-эпидемиология станциялари томонидан жойларда «Санитария назорати тўғрисида»ги қонунга риоя этилишини таъминлаш бўйича қатъий ишлар олиб борилмаганлиги сезилди.

Биргина мисол, Касби туман СЭСининг Х.Қариевга нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарори бўйича белгиланган Баҳористон туман ИИБ ДАН ходими Гайбулла Тошев йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда намуна. Ҳар куни Қарши-Қўқдумалоқ, Аланг, Ўрта булоқ, Зеварда газ конларига кўплаб автотранспортлар қатнайди. Оғир юк ортаган транспорт ҳаракатини тартибга солиб туриш ДАН ходимидан ўта масъулият талаб қилади.

Суратда: милиция лейтенанти Гайбулла Тошев ҳайдовчи Жуманазар Авазовнинг ҳужжатларини кўздан кечирмоқда.

Шавкат СУЛТОНОВ олган сурат.



Обуна 2000

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Касаба уюшмаларининг «Ишонч» газетаси бугунги кунда ўз номига мос ва хос равишда одамлар ишончини қозонмоқда.

Газетанинг «Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди», «Хуқуқий маслаҳатхона», «Қонун барча учун баробар» руқлири остида ёритилаётган мақолалар бизнинг

ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР

жада тушунтириш ишлари олиб борилмаётганилиги оқибатда юзага келмоқда. Қолаверса, лоқайдлик, ўз вазифасига нисбатан совуқоналарини давом эттирган. Унга нисбатан туман прокуратураси томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилиб, ҳужжатлар судга юборилди.

Вилоятдаги шаҳар ва туманлар санитария-эпидемиология станциялари томонидан жойларда «Санитария назорати тўғрисида»ги қонунга риоя этилишини таъминлаш бўйича қатъий ишлар олиб борилмаганлиги сезилди.

Биргина мисол, Касби туман СЭСининг Х.Қариевга нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарори бўйича белгиланган Баҳористон туман ИИБ ДАН ходими Гайбулла Тошев йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда намуна. Ҳар куни Қарши-Қўқдумалоқ, Аланг, Ўрта булоқ, Зеварда газ конларига кўплаб автотранспортлар қатнайди. Оғир юк ортаган транспорт ҳаракатини тартибга солиб туриш ДАН ходимидан ўта масъулият талаб қилади.

Суратда: милиция лейтенанти Гайбулла Тошев ҳайдовчи Жуманазар Авазовнинг ҳужжатларини кўздан кечирмоқда.

Шавкат СУЛТОНОВ олган сурат.

оғиримизни энгил, узоғимизни яқин қилиб, хуқуқий саводхонлигимизни оширишга катта ёрдам берапти. Касаба уюшмаларининг аъноларини давом эттирган ҳолда «Ишонч» газетасининг ноҳақ қамалган, «Пахта иши» жабрдийдалари пок номини тиклашга оид мақолалари бизга маъқул.

Биз газетанлар ватандошимиз Абдвоид Каримовнинг қамалгандан кейинги тақдирини тўғрисида ҳақ қандай маълумотга эга эмас эдик. «Ишонч» газетасининг шу йил 13 август сонидега «Десантчилар исканжаси» сарлаҳали мақолани ўқиб, кўп нарсани билиб олдик.

Биз китоблик бир гуруҳ оқсоқоллар Абдвоид Каримовнинг Ватан олдидаги хизматларини яхши биламиз. У биргина Макрид массивини ўзлаштирилганиги натижасида, туманда пахта ҳосилини еттиштириш салкам 10 минг тоннага кўпайган эди. Китоб шаҳри ичидеги ободончилик ишлари унинг номига қўйилган ҳайкал бўлиб қолди. Ундан кейин Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида қилган ишларидан халқ катта манфаат кўрган эдик.

Адолат юзага чиқса, ҳар ким меҳнатига яраша қадр топса қандай яхши!

Х. ЖўРАЕВ, Т. ЧОРИЕВ, П. ҚУРБОНОВ, Ф. ЭШЕВ ва бошқалар. Жами 20 имзо.

Савол: Ходимлар сони (штати) қисқариши муносабат билан ишдан озод қилинганда ходимга қандай моддий мадад берилади. Умуман, штатлар қисқариши билан ходимни вазифасидан озод қилиш тартиби тўғрисида тушунтириш берсангиз?

А. ЮНУСАЛИЕВ, Андижон шаҳри, тиббиёт ходими.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 102-моддасига биноан технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, хо-

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

икки ойлик оғохлантириш даврида бошқа иш қидириш учун иш ҳақи сақланган ҳолда ҳафтада камида бир кун берилиши керак. Бу кун иш беришчи томонидан белгиланади. Оғохлантириш мuddати давомида ходим ички меҳнат тартиб-

қилинади. Меҳнат шартномасини кўрсатилган асосда бекор қилишда Меҳнат Кодексининг 101-моддасига амал қилиниши зарур, яъни жамоа келишувини ёки жамоа шартномасида касба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакилик органининг олдидан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмай туриб меҳнат шартномасини иш беришчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

Сиз тиббиёт ходими экансиз. Шунинг учун Меҳнат Кодексининг 101-моддаси талабларига аниқлик киритишга тўғри келади. Амалийда кўп ҳолларда иш беришчи тиббиёт муассасасида жамоа шартномаси тузилмаганлиги ёки тузилган бўлса ҳам унда иш беришчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда касба уюшмаси қўмитасининг олдидан олиш зарурлиги кўрсатилмаганлигини ваъж қилиб, бу тартибга амал қилмаган ҳолда ходим ўз вазифасидан озод қилинади. Бу нотўғри албатта. Чунки Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий қўмитаси ўртасида 1999 йил 23-апрелда тузилган Битимда иш беришчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ўз ташаббуси ила бекор қилганда фақат мазкур тиббиёт муассасаси касба уюшма қўмитаси билан олдидан келишилган ҳолда амалга ошириши кўрсатиб ўтилган.

Шундай экан, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли бўлган барча тиббиёт муассасаларида иш беришчининг ташаббуси ила ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда олдидан келишилган ҳолда амалга ошириши кўрсатиб ўтилган.

Ходимлар сони (штати) қисқариши муносабати билан ходим вазифасидан озод қилиниши мумкинлиги тўғрисида оғохлантирилгандан сўнг, иш беришчи ва ходимнинг ўзаро келишувига биноан бу икки ойлик оғохлантириш мuddати пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин.

Икки ойлик оғохлантириш даврида иш беришчи вазифасидан озод қилиниши кутулаётган ходимларни, иложи борича уларнинг розилиги билан, бошқа иш билан таъминлаш чораларини кўриши зарур, керак бўлса, бошқа мутахассисликни ўрганиши учун ўқишга юбориши лозим.

Ходимни ишга жойлаштиришнинг барча чоралари кўрилади, уни иш билан таъминлаш имконияти бўлмаса, ундан кейингина ходим билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 100-модда, 11-қисм, 1-банди билан бекор

қилинади. Меҳнат шартномасини кўрсатилган асосда бекор қилишда Меҳнат Кодексининг 101-моддасига амал қилиниши зарур, яъни жамоа келишувини ёки жамоа шартномасида касба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакилик органининг олдидан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмай туриб меҳнат шартномасини иш беришчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

Сиз тиббиёт ходими экансиз. Шунинг учун Меҳнат Кодексининг 101-моддаси талабларига аниқлик киритишга тўғри келади. Амалийда кўп ҳолларда иш беришчи тиббиёт муассасасида жамоа шартномаси тузилмаганлиги ёки тузилган бўлса ҳам унда иш беришчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда касба уюшмаси қўмитасининг олдидан олиш зарурлиги кўрсатилмаганлигини ваъж қилиб, бу тартибга амал қилмаган ҳолда ходим ўз вазифасидан озод қилинади. Бу нотўғри албатта. Чунки Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Марказий қўмитаси ўртасида 1999 йил 23-апрелда тузилган Битимда иш беришчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ўз ташаббуси ила бекор қилганда фақат мазкур тиббиёт муассасаси касба уюшма қўмитаси билан олдидан келишилган ҳолда амалга ошириши кўрсатиб ўтилган.

Ходим билан иш беришчи ўзаро келишувига биноан икки ойлик оғохлантириш мuddати пуллик компенсация билан алмаштирилганда ҳам ходим вазифасидан озод қилинганда ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшаш нафақаси, ишдан бўшайдиган иккинчи ой учун ички ойлар учун моддий мадад олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Агар ходим иш беришчи томонидан оғохлантиришнинг кейинги кунидан вазифасидан озод қилинган бўлса ва ходим ариза билан мурожаат қилганда, у олдидан келишилган ҳолда амалга ошириши кўрсатиб ўтилган.

Ходимнинг меҳнат дафтрасига ишдан бўшаш мuddати узайтирилганиги тўғрисида тегишли ёзув киритилади.

Агар иш беришчининг қароридан норози бўлсангиз зарарни ундириш ҳақидаги даъво ариза билан Косон туман судига ёки ўзингизнинг турар жойингиздаги Челақ туман судига қилишингиз мумкин. Даъво қўзғатиш мuddати чегараланмаган.

Оқорида кўрсатилган қарорнинг 46-банди иккинчи қисмида зарар учун жавобгар бўлган иш беришчининг айби билан ўз вақтида олинмаган зарар тўлов суммаси бирон-бир мuddат билан чегараланмаган ҳамда ўтган давр учун тўланиши таъкидланган.

Демак, Сизга 1996 йил 1-мартдан шу кунгача берилмаган давр учун нафақа тўлиқ тўлаиши шарт.

Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

рувчи томонидан тўлаш мажбурияти кўрсатилган. Унга асосан ходим меҳнат фаолияти давомида майиб бўлиб қолиши, касб касалиги ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда зарарни тўлаши шарт.

Агар жамоа ширкат ҳўжалиги сизга нафақа тўламаётган бўлса, ширкат ҳўжалиги раҳбарига мурожаат қилишингиз керак бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки сало-

матликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказиладиган зарарни иш беришчилар томонидан тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 48-сон қарорининг 36-бандига мувофиқ иш беришчи зарарни ундириш тўғрисидаги аризани ўн кун мuddат ичидега кўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиши шарт.

Қарор қорхона маъмуриятининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Иш беришчи 10 кун мuddат ичидега зарарни тўлаш тўғрисидаги буйруқнинг нухсаси ёки асосланган ёзма равишдаги рад жавобини Сизга бериши керак. Белгиланган мuddатда аризани кўриб чиқмаслик ёки буйруқ нухсасини топширмаслик зарарни тўлашни рад этиш ҳўсбланади.

Агар иш беришчининг қароридан норози бўлсангиз зарарни ундириш ҳақидаги даъво ариза билан Косон туман судига ёки ўзингизнинг турар жойингиздаги Челақ туман судига қилишингиз мумкин. Даъво қўзғатиш мuddати чегараланмаган.

Оқорида кўрсатилган қарорнинг 46-банди иккинчи қисмида зарар учун жавобгар бўлган иш беришчининг айби билан ўз вақтида олинмаган зарар тўлов суммаси бирон-бир мuddат билан чегараланмаган ҳамда ўтган давр учун тўланиши таъкидланган.

Демак, Сизга 1996 йил 1-мартдан шу кунгача берилмаган давр учун нафақа тўлиқ тўлаиши шарт.

ҲАҚЛИ ЖАЗО

Косон овиқ савдо ҳиссадорлик жамиятининг 12-дўкон сотувчиси Воҳид Ибрагимов уч йил, Бешент матбуот савдо оиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли 12-дўкон сотувчиси Халима Юсупова икки йил савдо ташкилотларида ишлашдан маъмур этилди. Чунки улар икковдонни унутиб, харидорлар ҳўжа хўнат қилишган эди. Бу нафс бандларининг ҳаммаси — Шаҳрисабз «Ўлғурчи» оиқ савдо ҳиссадорлик жамияти 32-дўкон сотувчиси Хўснуддин Аҳмедов эса қилмиши учун 36900 сўм жарима тўлаб қўлиди.

Касби ва Муборак туман матбуот савдо оиқ ҳиссадорлик жамиятининг дўкон мудирлари Икром Нарзуллаев, Рўстам Маҳманов, Қарши туман «Насаф» савдо оиқ ҳиссадорлик жамияти дўкон мудирлари Гапур Имомов, Касби туман умумий оватланиш қорхонаси ошхона мудирлари Рўстам Набиевлар савдо-сотик қонунларини бузганликларига сабабли турли мuddатларга ахлоқ тузатиш ишларига тортилдилар.

К. ЭГАМБЕРДИЕВ.

Ҳаётда шундай инсонлар ҳам учрайдики, улар одамларнинг ўз фарзандларидан жонларини ҳам аямасликларидан фойдаланиб қолиш пайида бўладилар.

Дарҳақиқат, ўз боласини кўчага ташлаб кетганлар ҳақида онда-сонда бўлса-да, эшитган жўйимиз бор. Аммо ўз боласини сотганлар ҳақида... Гапнинг лўндаси шўки, Самарқанд шаҳар ички ишлар ходимлари биронинг боласини ўз болам деб сотган жиноятчини қўлга олишди.

Текин пул ортидан қувган икки топик кимса Самарқанд шаҳрининг Боғишамол тумани Кимёгарлар қўргонидега яшовчи фуқаро Абдурахимовлар хонадонини нақд ўн кун ўта мушқул ахволга солиб қўйди. Бир умр эсдан чиқмайдиган воқеадан кўпчилик хабар топди. Ачиндилар, қуйиндилар. Сабаб, бу хонадоннинг икки ёшдан сал ошган ўгли йўқолиб қолди, тўғрироғи, уни ўғирлаб кетишди.

Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси-ю, бутун вилоят милицияси бу ишга масъулият билан ёндошишди. Айтилганидек, ўн кун мобайнида боланинг ота-онаси билан бирга милиция ходимлари ҳам ухлашмади. Ниҳоят тезкорлик самара бериб, икки яшар боланинг овозаси Тошкентдан чиқди. Маълум бўлишича, Н.Усеинов деган шахс ўз кайиниси билан Тошкентдаги танишининг илтимосига кўра, унга бола олиб келиб беришга ваъда беришган. Болани болалар уйдан ололмагач, кўчада юрган Бобурбекни кўтариб келаверишди ва «харидорга» 230 АҚШ долларига ўзимнинг болам, деб сотиб кетишди. Бироқ ўғирлар кўп ўтмай қўлга олинди. Наманган шаҳар ички

ишлар ходимлари ҳам кўчада ўз боласини йўқотиб қўйиб ўзидан кетаётган аёл мушқулни осон этдилар.

Бозорда эътиборсиз қолган Мадинани алдаб олиб кетган Муаззам Оталиқова уни сотиб пуллаш ниятида эканлигини айта-

ди. Эндигина 20 ёшга тўлган аёлнинг оғир жиноятни содир этгани кишини таажжубга солади. Бироқ, Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида рўй берган воқеа булардан ҳам даҳшатлироқдир. Шу йилнинг 29 июн кунини Республика Ички ишлар вазирлигига Тўйтепа шаҳрида яшовчи Ш.Хайдаров ариза билан мурожаат қилиб, номаълум шахслар унинг 11 ўғли ўғли Жавлонни ва синглисининг 13 яшар

ўғли Азизни ўғирлаб кетишиб, уларни қайтариб бериш эвазига 5 минг АҚШ доллар талаб қилаётганликларини маълум қилди.

Ходимлар томонидан мазкур жинойат ҳолат юзасидан тезкор тадбирлар олиб борилди. Орадан уч

лигини сезган ички ишлар ходимлари болалар билан ҳоли суҳбатлашишди. Шунда уларни оқ «жигули» автомашинасида Зухриддин исмли шахс олиб кетганлиги, қандайдир чайлада эмас, балки Бўқдаги бир уйда сақлагани маълум бўлади.

Тезкор тергов ва суриштирув ишлари жараёни жуда пухтак билан олиб борилди. Ва кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳолга дуч келинди. Негаки, болалар ва бошқа гумондорларнинг кўрсатмаларидан шу нарса маълум бўлдики, жиноятчиларнинг бири жабрдийда хонадон эгасининг синглиси экан. Ўғирлаб кетилган фарзандларнинг бирига опа, иккинчисига амма бўлган Муассархон ўғилларга шерик бўлиб чиқди.

Ўз туғишган акасида пул ундириш учун унинг ўғлини ўғирлаш шартмиди? Ақадан шундай ҳам пул сўраганида, у бермасмиди? Бу томонига бир нарса дея олмаيمиз, лекин унинг 5 минг доллар ундириш учун ўз жинойат шериклари Дилбар Қорабоева ва болаларни уч кун давомида яшириб турган Зухриддин Алибоевлар билан бирга акасининг ўғлини ўғирлаш режасини тузганлиги ва бу ишга бошқоқ бўлганлиги аниқланиб бошлагач, у ўзини қўярга жой тополмай қолди...

Бизни таажжубга солган нарса яна шу бўлдики, бу маккор аёл мазкур ишларни ўзи ташкил этган бўлишига қарамай, уч кун давомида акаси ва келинчисининг ёнига кириб, гўёки ўзининг ўғли ўғирлаб кетилганидек «оқ-фиғон» кечди. Устига устак, найрагнинг очилиб қолганидан сўнг ҳам сўвдан қуруқ чиқиш учун шу қадар макру хийлаларни

ишлатишга уриндики, асти қўяверасиз. Бироқ унинг айёрлигини болалар очиб ташлашди.

Сен дўстингни айт, мен сенинг кимлигингни айтаман, деганларидек, бу аёлнинг жинойат шериги Дилбар Қорабоева ҳам айёрликда устаси фаранглардан чиқиб қолди. Унинг қўлида 40 кунлик чақалоғи бўла туриб, бола ўғирлиги режасини тузишда ва уни амалга оширишда маслаҳатчи бўлган.

Мазкур хонадон соҳиблари чеккан уч кунлик изтиробни ва унинг ортидан шош бўлган даҳшатли қисмат барчани чуқур ўйга толдиради, нафратини кўзгатади. Тубанлик ботқоғига ботган, пул деса ҳеч нарсадан қайтмайдиган Муассархон бугун инсофга, инсоний фазилатларга доғ туширди.

Ш. РЎЗИЕВ, милиция капитани.

БОЛА ЎҒРИСИ

Соғлом авлод учун

Ўзбекистон фармацевтика саноати давлат акционерлик концернининг Самарқанддаги «Вакцина» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Шарқ табобати» илмий тадқиқот институти ташкил топганига беш йилдан ошди. Институт жамоаси шу давр мобайнида дори-дармон ишлаб чиқариш, беморларни даволаш, хомашё маҳсулотлари йиғиш, етиштириш билан машғул бўлди. Бу мақсад йўлида институтнинг етти лабораторияси, битта ишлаб чиқариш цехи фаолият кўрсатапти. Дастлаб фармацевтика саноатида мавжуд дорилар ишлаб чиқарилган бўлса, кейинчалик институт олимлари воҳодаги шифобахш ўсимликлардан ўнга яқин доривор йиғмаларни тайёрлашди.

Зарарли таъсири мавжудлигини ҳисобга олиб, институт олимлари гиёҳлар ва ҳайвон ёлларидан 8-9 турдаги табиий пардоз воситаларини ишлаб чиқишди. «Аёллар йили»да бу хотин-қизлар учун муносиб совға бўлди, десак муволажа бўлмас.

Самарқанддаги «Шарқ табобати» илмий тадқиқот институти жамоаси билан чет элдаги, хусусан Хиндистон, Россия, Германия, Франциядаги ҳамкасблари ҳамкорлик қилиш истагини билдиришган. Хар йили шифобахш ўсимликлардан тай-

хона ташкил этиш учун бинога ҳам эга. Лекин жиҳозлар ва тиббий-ташхис ускуналари учун маблағ йўқ. Институтнинг мавжуд лабораторияларида ҳам алмисоқдан қолган ускуналар ишлатилапти.

Нихоят, институтга мадад қилини чўзадиганлар топилди. СамМИ (тиббиёт институти) ўз имкони даражасида ёрдам берди. Вилоят ҳокимининг қарори билан Нуробод туманининг Тепақул мавзусидаги тоғ ён бағирларидан шифобахш ўсимликларни етиштириш учун 2000 гектар ер ажратилди.

Қисқаси, имкониятлар кўп, муаммолар ҳам етарли. Биз

биргина тақлимимизни мулоҳаза тарикасида билдирмоқчимиз. Президентимиз 2000- йилни «Соғлом авлод» деб эълон қилган экан, мазкур дастур доирасида «Соғлом авлод» жамғармасининг вилоят бўлими, вилоят ҳокимлиги «Шарқ табобати» институти ва умуман, тиббиёт муассасаларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида хайрия марофини ташкил этса, тушган маблағдан оқилона фойдаланилса, нур устига аяло нур бўларди. Мутасаддилар мазкур долзарб масалаларга ўз муносабатларини билдирадilar, деган умиддамиз.

Р.КУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

ДОРИВОР ЙИГМА КОНИ ФОЙДА

Бундан ташқари институтимиз олимлари ва тадқиқотчилари табиий маҳсулотлардан янги шифобахш йиғмаларни ихтиро қилишди, дейди бирлашма директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Гулчехра Вафоқуллова, - Хусусан, камқонлик ва юрак-қон томир касалликларидан қўлланиладиган «Аспотид», қандли диабетда фойдали «Шифотен», ошқозон, ўн икки бармоқли ичак яллиғланиши ва ярасини даволашда қўлланиладиган йиғмалар ишлаб чиқилди ҳамда илмий тасдиқдан ўтди. «Аспотид» ва «Шифотен» йиғмалари фармацевтика кўмитасига тиббий тасдиқ учун топширилган. Лекин маблағ йўқлиги, тегишли тўловлар амалга оширилмаганлиги учун ишлар ана шу босқичда тўхтаб турибди. Витаминларга

бой «Карминаф» ёрмасини эса озиқ-овқат саноатида, айниқса, яхна ичимликлар ишлаб чиқаришда ва қандолатчиликда қўллаш мумкин. Институтимизда тайёрланган яхна ичимликлар Самарқанд қимё заводида қарашли боғчаларга берилди. Уларни мунтазам истеъмол қилган болалар 6 ойдан сўнг институтимиз ва «Соғлом авлод» жамғармаса шифокорлари томонидан кўриқдан ўтказилганда уларда касалликларга чалиниш ҳоллари камайгани, организмнинг қуввати ошгани кайд этилди.

Институт жамоасининг бундай ибратли ишлари кўп. Масалан, хориждан келтирилган кимёвий пардоз воситаларининг

Қарор ва ижро ОБРЎ МИСҚОЛЛАБ ЙИГИЛАДИ

Касаба уюшма обрўси, мавқеи унинг етакчиси салоҳиятига бориб тақалади. Ташаббускор, омма орасида ўз ўрни, мавқеи бор раҳбаргина муаммоларни жойида ҳал этиши, ютуқларни қўлайлигини удрасидан чиқариш мумкин. Қўйида Сирдарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси ўринбосари, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси Қаршибой ШНАЗАРОВнинг фикр-мулоҳазалари баён этилган.

Ўзбекистон заминида ҳуқуқий демократия ва юксак маданиятлик фуқаролик жамияти барпо этиш сари интилишларга касаба уюшма ташкилотлари ҳам муносиб улуш қўшиб келмоқда. Улар масъулияти айна чоғда шарофли вазифа, меҳнаткашларни соғломлаштириш, ишлаб-чиқаришда меҳнатни муҳофазалаш, техника хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий муҳофазатга дахлдор Фармон ва қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш каби юмушларни адо этишяпти. Қилинган ишлар сарҳисобида ютуқ ва камчиликларни рўй-рост кўрсатдик. Қувонарлики кундан-кунга касаба уюшма ташкилотига ишонч ортмоқда. Меҳнаткаш, истеъмолчи манфаатларини ҳимоя этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Вилоятимиз касаба уюшма ташкилотлари ҳам кейинги йилларда ўз фаолиятида кескин бурилишларга эришди. Бу жойларда қилинаётган ишларда ўз аксини топмоқда. Кейинги беш йилда аъзолар сони 95518 нафарга етди. Ташкилотлар сони 1698 тага ортди, 122,5 миллион сўм меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштиришга йўналтирилди. 7369 ишчи-хизматчи сихатгоҳларда, дам олиш уйларида, 42,5 миң нафар ўғил-қиз шахардан ташқаридаги, ҳўжалиқлардаги меҳнат-роҳат ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳларида ўз саломатликларини тикладилар. Фақатгина болаларнинг ёзги таълинин мазмуни ташкил қилишга 85 миллион сўмдан зиёд сарфланди. Юртимизда инсон ўз қадр-қимматини топаётганлигини ана шу мисоллардан ҳам билса бўлади. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида фақатгина ногиронлар соғлигини яхшилаш мақсадида 700 миң сўмлик йўлланмалар тарқатилди.

Мамлакатимизда келажак ворисларига катта умид боғланиб, уларга барча шарт-шароитларни яратиб бериш биринчи галдаги вазифага айлантирилган. Бу жараён бизнинг ҳудудимизда ҳам пухта режалаштирилган ҳолда олиб борилмоқда. Қисқа фурсатда 12 миң ўқувчиға мўлжалланган 40 та мактаб биноси қурилиб ишга туширилди. Гапинг очиги истиқлолгача қўллаб мактабларимиз мослаштирилган биналарда ёҳуд авария ҳолатидаги иншоотларда жойлашганди. Айни чоғда энг чекка қишлоқда ҳам таълим олиш учун барча шароитлари бўлган биналар барпо этилган.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан жорий йилнинг ўзида 5 та коллеж, 850 ўринли академик лицей қурилиб, уларда миң нафардан ошққ ёшлар таҳсил олишяпти. Шунингдек, Гулистон шахрида ҳуқуқшунослик, журналистика бўйича ихтисослашган синфлар ишлаб турибди. Бундай таълим даргоҳлари хар бир қишлоқда барпо этилиши режалаштирилмоқда.

Кўмитамиз фарзандларимиз шуурига маънавият-маърифат нури тарқатувчилар билан иш олиб боради. Айни пайтда улар манфаатини ҳимоялаш ҳам бизнинг бурчимиз. Ўтган даврда таълим соҳаси ходимларини ижтимоий муҳофазалашга қарийб 3 миллион 800 миң сўм маблағ ажратилди. Уч миңдан ошққ киши турли сихатгоҳларда ўз саломатликларини тикладилар. Спорт-соғломлаштириш тадбирларига ҳам катта эътибор берилаяпти. Шунингдек, маданий тадбирлар, тарихий жойларга саёҳат, турли кўрик ва баҳсларни ташкил этиш, гоилибларни рағбатлантириш каби ээгү ишларни қўпайтиришга, меҳнаткашлар учун лозим бўлган шарт-шароитни бекаму кўст яратиб беришга интиляяпмиз.

Текширув нимани кўрсатди КЎЗА КУНИДА СИНАДИ

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун юзасидан жойларда тушутириш ишларини олиб бориш, меъерий ҳужжатлар ва қондаларнинг бузиллиши олдини олишга доир чора-тадбирларни кўриш, экология муаммоларини ечиш, техника хавфсизлиги қондаларига риоя этиш, янги иш жойларини яратиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш фаолиятимиз асосини ташкил этади. Хуллас, меҳнатни муҳофаза қилиш ва экология бўлимида ишлайман деган одамга иш етарли. Ҳозир вилоятимизда нима кўп — қурилиш кўп. Қўйма қорхоналар барпо этиляпти, кичик ва ўрта бизнесга алоқадор биналар қад кўтаряпти. Ҳўш, меҳнат хавфсизлиги қондаларига амал қилиш учун олдиндан тайёр-гарлик қўриляптими? Бўлимда атиги икки киши ишлашимизга қарамай, режа-

ларни ўз-ўзига сифатли адо этилиши учун курашяпмиз. Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги бўйича тадбирларни ўтказар эканмиз, бу ичига шуғроҳ тахассислари, жамоатчи фаоллар, имизни ҳам жалб этамиз. Бунда иш сифати ва самардорлигига алоҳида эътибор берилди. Андижон шахар саноат ишлаб чиқариш қорхоналари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қорхоналарга ишчи-хизматчиларни ташвиш учун ажратилган транспорт воҳиталарининг техник ҳолати ва санитария-гигиена қондалари талабларига жавоб бериш борасида текширишларда фаолларимиз, айниқса, катта ёр-

дам кўрсатишди. Шу йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида қорхоналарда ана шу мақсадда текширишлар ўрқазилиб меҳнат муҳофазаси қонунларига амал қилишини ҳолати ўрқазилди. Текширишлар якуни бўйича хато ва камчиликларга йўл қўйган муҳандис-техник ходимлар, раҳбарларга нисбатан чоралар қўрилди, жарима солинди, ишчи-хизматчилар ҳаётига хавф соловчи устакхона ва дастгоҳлар вақтинча тўхтаб қўйилди. Албатта, жавобгар шахсларга нисбатан чора кўриш ёки устакхона фаолиятини тўхтаб қўйиш, бу — бир чора, ҳолос. Биз асосий эътибор бе-

раётган нарса — камчиликларга йўл қўймаслик, унинг олдини олишдир. Бўлим шу мақсадда тез-тез рейдлар уюштириб турибди, семинарлар ўтказилмоқда, тахриба алмашилмоқда. Кейинги вақтда таълим ва фан ходимлари, давлат, муассасалари ва алоқа ходимлари касаба уюшма кўмиталари меҳнатни муҳофаза этиш ва техника хавфсизлигига амал қилиш борасида бир мўнча бепарволикка йўл қўйганлар. Бу ҳол тармоқ касаба уюшма вилоят кўмиталари ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши раёсатида жиҳдий муҳофазага сабаб бўлди.



ЯНГИ МАРКАЗ ИСТИҚБОЛИ

Илгор тажрибаларни ўрганиш орқали янги педагогик технологияларни лойиҳалаш борасида ҳам самарали изланишлар олиб борилмоқда. Бундай муҳим лойиҳани яратиш билан Ўзбекистон халқ таълими вазирлигига қарашли «Илгор педагогик технологиялар» маркази шуғуллана бошлади.

Республика таълим марказида янги ташкил топган бу муассаса янги педагогик технологияларни аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиши, янги технологияларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш, ўқитувчилик маҳорати тренинглари ташкил этиш бўйича изланишларни амалга оширишга ҳам киришди. Бу жараёнлар республика таълим тизимида тўпланган тажрибаларни оммалаштириш имконини беради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ушбу марказ «Педагогик технология» деб номланган ўқув-услубий журнални нашр этишни ҳам режалаштириб қўйди.

Қисқа вақт ичиде марказ Исроил, Туркия, Франция каби давлатларнинг таълим тизимларини ўрганишга муваффақ бўлди. Шунингдек, Англия, Италия, Венгрия давлатларида фаолият кўрсатаётган педагогик технология марказлари тўғрисида кўп маълумотлар тўпланди.

Шу йилнинг 17 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори меҳнат ахли аксариятининг дили ва тилидаги гапларни акс эттиргани билан ғоят муҳимдир. Чунончи, қайси соҳа ёки ишлаб чиқариш тармоғини олманг, уларнинг айримларида ишловчиларга бир неча ойлаб иш ҳақлари тўланмаётгани ёҳуд машоарл кечкиб берилётгани ҳолатига дуч кел-

ёлғизларга ҳам ёрдам қилини чўзишга ҳаракат қилишди. Шундай кишиларга фақат касаба уюшмаси ҳисобидан 12 миң сўмдан зиёд кўмак уюштирилди. Аёллар йили муносабати билан декрет таътилига чиқаётганларга энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорда қўшимча имтиёз берилмоқда.

Қарорда таъкидланганидек, ҳўжалигимизда пул маблағларидан мақсадли фойдаланишга қатъий эътибор қаратилгани тўғрисида ишловчиларга бир неча ойлаб иш ҳақлари тўланмаётгани ёҳуд машоарл кечкиб берилётгани ҳолатига дуч кел-

МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

нафарга яқин ҳаваскор санъаткорлар туман бўйича кетма-кет икки марта танлов гоилиб бўлдилар. Жорий йилда эса вилоят кўрик-танловида иккинчи ўринни олдилар. Айтмоқчимизки, қаердаки ишловчининг меҳнати қадрланса уша ерда муваффақият бўлади, фаровонликка замин яратилади. Юқоридеги қарорнинг моҳияти ҳам шундан иборат. Айниқса, иш ҳақини ўз вақтида тўламанган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласи қатъий қилиб қўйилгани айна мўддаодир.

Қамар ЭШНИЁЗОВА, Жондор туманидаги «Бўхоро» жамоа ҳўжалик касаба уюшма кўмитаси аъзоси.

Конференциядан кейинги ўйлар ОҒРИҚ НУҚТАЛАР

Бу ҳам касаба уюшмалари фаолларини жиҳдий ўйлантирмоғи зарур. Қолаверса, ҳисобот даврида моддий ёрдам тарикасида берилган 145,6 миллион сўм маблағ тақсимотида ҳам адолат таъминланганига тўла-тўқис риоя этилди деб, бўлмади. Ушлаб бошлангич ташкилотларда фақат 1-2 кишининг имзоси ёҳуд тавсиясига кўра айрим кишиларга моддий ёрдам кўрсатилганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бугун вилоятда иш ҳақи тугал, ёш болали аёлларга берилиши зарур бўлган нафақа пулларининг ўз вақтида берилаётганлиги одатий ҳолга айланди. Биргина иш ҳақидан қарздорлик 500 миллион сўмга етай деб қолгани ҳам тегишли битим ва жамоа шартномаларида кўрсатилган асосий бандларнинг ижроси тўла-тўқис бажарилмаётганлигини кўрсатади. Ҳўш, нега энди бу муаммо олдида касаба уюшмалари томошабин бўлиб туриш-

хизмат савиясини ошириш йўлида қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп. Анжуманда ишчи-хизматчилар, оддий меҳнатчиларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ўшлаб ҳаётий мисоллар келтирилди. Штат қисқариши ва бошқа ваз-қорсонларни пеш қилиб 1000 га яқин киши вилоят кенгаши ҳамда тармоқ кўмита ва кенгашларига қонунга хилоф равишда ишдан бўшатирилганини ҳусусида мурожаат этганиги мулоҳазага ундовчи далил ҳисобланади. Шундан 644 киши ўз ишига қайта тикланди. Уларга ишдан мажбурий тарзда четлаштирилганликлар учун 2 миллион сўмдан ортққ маблағ тўланди. Аммо у кимнинг ҳисобидан? Албатта, асосий айбдор саналган мансабдорларнинг чўнтагидан эмас.

«Қоракўллахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамиятида касаба уюшмалари кенгашининг аралашувидан сўнггина иш ҳақи бўйича 13,7 миллион сўмлик қарздорлик узилди. Жамият бошқаруви банкдан кредит олиб, бу ишининг удрасидан чиққан экан, нега уни бошқа қорхона, ҳўжалик, ташкилот учун қўллаш имкониятлари яратилмаслиги керак?!

Меҳнат муҳофазаси масаласи кун тартибидеги энг ўткир муаммолардан бирига айланаётир. Фақатгина ақулланаётган йилда бахтсиз ҳодисалар бултургига нисбатан 41 фоизга ошганлиги барчани ташвишга солиши керак. Агар қўшимча тадбирлар белгилаб олишга эътибор қаратилмаса аҳволни ўнглинишига умид боғлаш қийин.

Анжуманда силлиққина айтиб ўтилган бир далил ҳусусида ҳам эътироз билдирмай иложимиз йўқ. Маълумки, Юртбошимиз томонидан 2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Бу, ҳозирдан бошлаб жойлардаги болалар муассасаларига алоҳида эътибор қаратишга ундайди. Мана шундай бир паллада вилоятда мактабгача тарбия муассасалари сони тўхтовсиз қисқариб бораётганлигини оқлаб бўлармикми?! Оқибатда кейинги 3,5-4 йилда биргина боғча тарбияланувчиларнинг сони 30 миңгача камайиб кетди.

Маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш борасидаги ишларни хар томонлама қучайтириш ҳусусида ҳам аник фикр-мулоҳазалар билдирилганида айна мўддао бўларди. Хуллас, шу азиз юртда яшаётган инсонларнинг тўқис ҳаёт кечирмоғи учун етарлича шарт-шароитларни яратиб бериш касаба уюшмаларининг мўдум диққат-марказида бўлиши керак. Бинобарин ҳаммамиз бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат қилганимиздагина ана шу мақсадга эришиш мумкин.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» муҳбири.



2000 йил — соғлом авлод йили ҚИММАТ

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мамлакатимизда давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифалардан бирига айланган. Ҳозир бу масала «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасининг ҳам доимий диққат-эътиборида турибди.

Бугунги кунда жамғарма усиб келаётган ёш авлоднинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, демографик ва ижтимоий тадқиқотларни олиб бориш борасида талай ишларни амалга оширмоқда.

Ана шу эзгу мақсадларни рўйбга чиқариш мақсадида жамғарма томонидан тиббий, инсонпарварлик ва инвестицион дастурлар ишлаб чиқилди. АҚШнинг «Проктер энд Гэмбл» компанияси билан ҳамкорликда «Соғлом тери — соғлом болакай», «Утиш ёши» сингари таълимий дастурлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари мазкур компания томонидан ажратилган 35 минг доллар маблағ Фарғона вилоятидаги кам таъминланган оилаларга, болалар ва даволаш муассасаларига тақсимлаб берилди.

Жамғарманинг халқаро алоқалари кенгайиб бориши яна қатор хайрли ишларни рўйбга чиқишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Кейинги йилларда чет эллик шериклар томонидан ажратилган грантлар маблағи ҳисобидан кўпалаб тиббий асбоб-ускуналар сотиб олинди. Турли доридармонлар ва болалар озиқ-овқатлари келтирилди.

Германия Бундесверии сай-ҳаракати ҳам кўпчилики мамнун этди. Бу ташкилот томонидан ажратилган кўма флюорография қурилма эса республика физиотрия ва пульмонология институтига соғва қилинди. Мазкур аппарат ёрдамида сил касаллигини аниқлаш ва даволаш ишлари олиб борилмоқда.

Шуни ҳам мамнуният билан айтиб ўтиш жоизки, «SOS-Киндердорф Интернейшнл» халқаро жамияти ҳам ҳиммат кўрсатди. Бу нуфузли жамият жамғарма билан ҳамкорликда етим-есирлар учун болалар кишлоғини бунёд этиш тадбирларини кўрмоқда. Шу мақсадда қуриладиган болалар кишлоғининг лойиҳаси яратилди. Янги, соғлом авлод йилида ҳам оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йулида кўп хайрли ишлар амалга оширилади.

Шодлик ярашади бахтли қизларга, Нурлар улашади ширмой юзларга. Элимнинг ҳар куни ўтгусидир шод, Чунки Ватан озод, юртимдир обод.

МИЛЛИЙ КУРАШ — ЕВРОПАДА!

«Ўзбек кураши Европани забт этди.» Бу каби эътирофлар бугун бутун дунё бўйлаб янграмоқда. Миллий курашимиз жаҳонга юз тугмоқда. Зотан, 17-19 декабр кунлари Беларус пойтахти Минск шаҳрида бўлиб ўтган I Европа чемпионати ҳам фикримизнинг ёрқин исботи бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ. Тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилмак мазкур чемпионат миллий гуруҳимиз бўлган кураш шухратига шухрат қўшади. Бинобарин, ушбу биринчилик орқали ўзбек кураши деб ном олган, ўзида мардликни, ҳалолликни жамлаган бу спорт тури Европа қитъасини кашф этди.

Чемпионатда Буюк Британия, Нидерландия, Россия, Грузия, Украина, Болгария, Латвия, Литва каби 12 дан зиёд Европа мамлакатларидан вакиллар иштирок этишди. Мутлоқ голиблик учун кечган баҳсларда Леонид Свирид (Беларус), Рамаз Чочишвили (Грузия), Вячеслав Матвейчук (Украина), Павел Малованец (Польша), Томас Тим (Буюк Британия), Морвел Морелли (Нидерландия) сингари кучли полковлар биринчи қитъа чемпиони деган шарафли ном учун қизгин кураш олиб бордилар. Финалда эса беларуслик Леонид Свирид ҳамда грузиялик полков Рамаз Чочишвилилар учрашди. Омад мезбон спортчига қулиб боқди. Леонид Свирид кураш бўйича I Европа чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди. Иккинчи ўринни Рамаз Чочишвили (Грузия), учинчи ўринни эса украинлик полков Вячеслав Матвейчук ҳамда Польша вакили Павел Малованецлар эгалладилар.

Қадимги юнон олими Плуларх Платон академиясининг аъзоларидан бири бўлган. Плуларх ижодида маърифатпарварлик, инсонпарварлик гоялари кучли бўлган. Унинг «Параллел ҳаётномалар» асари пандномалар руҳидадир. Шунинг учун ҳам унинг одоб-ахлоқ ҳақидаги ҳикматлари жуда ибратлидир. «Ҳаёт, — деб ёзганди аллома, — ҳаракатни талаб қилади». Дарҳақиқат, ҳаракатсиз барақат бўлмайди. Плулархнинг ушбу ўғити ҳамма соҳада одамнинг ҳаракат қилишини назарда тутди.

Одамзотнинг аксарият қисми, ҳеч шубҳасиз, энг аввало, яхши яшашга ҳаракат қилади, шу билан бирга яхшилиқ қилиш ҳам унинг эзгу ниятларидандир. Улар оғир ва мураккаб ишларни ҳамкорликда амалга оширадилар. Аммо мисқоқлаб йиғилган эзгулик биноти сал нарса билан чилпарчин бўлиши мумкин. Мана, Плуларх нима дейди бу борада: «Кўп яхшилиқларни йўққа чиқариш учун озгина нуқсон етарлидир».

Плуларх ўғитларида мантиқ кучли. У одамлар ўртасидаги нозик томонлардан бири — муомала маданиятига катта аҳамият беради. Зеро, одамлар нафақат сўзлашадилар, балки тинглайдилар ҳам.

«Тинглашни ўрган, — деганди Плуларх, — ана шунда сен ҳатто ёмон гапирадиғанлардан ҳам наф олишинг мумкин». Сухбатдошга эътибор одамнинг зийраклигини оширади, фахмли қилади.

ПЛУЛАРХ ҲИҚМАТЛАРИ

Аллома ўзидан олдин ўтган жуда кўп машҳур кишиларнинг ҳаётларини тадқиқ қилиб, чоғиштириб, ибратли хулосалар чиқарган. Машҳур ҳикматлар битган, мана қарийб 2 минг йилдирки, инсониятга беминнат хизмат қилиб келяпти. «Табиатнинг икки асосий бисоти, — деганди аллома, — ақл ва фикрдир».

Сўзининг қудрати, кучи ҳақида жуда кўп айтилган. Айниқса, нутқнинг ҳаётлиги ҳақидаги Плулархнинг фикрлари диққатга сазовордир. «Нутқнинг кучи — оз сўз билан кўп маънони англата олишда». Оз сўз билан кўп маънони англатиш деганда, ақлу тафаккурнинг имкониятларидан фойдаланиш назарда тутилади.

«Энг учқур бедовлар, — деганди аллома, — агар яхшилаб тарбия берилса, яхшилаб совирилса, энг хуррак тойлардан чиқади». Ушбу ҳикматни одамларга тадбиқ этса ҳам бўлади. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, истеъдодли болаларда шаддодлик, қизиққонлик кучли бўлади. Шунинг

сафсатабозлик кучли бўлади. Ўзининг вақтини бекорга кетказгани етмагандай, бошқаларнинг қимматли вақтларини ўғирлайдилар. Бу ҳақда Плуларх бундай дейди: «Сергап ўзини яхши кўрсатишга бўлади-ю, аммо нафратга учрайди, бировга қарашмоқчи бўлса — хирапашшага айланади. Одамларни ҳайратга солмоқчи бўлса, қулга қолади; у дўстларини ерга уриб, душманларига хизмат қилади». Умуман ахлоқона ҳолатлар аллома томонидан қоралangan ва муносиб баҳосини олган. «Ахлоқона ишлар қилиш пасткашлик, — деганди аллома, — хатарсиз қилинган эзгуликлар эса, оддий бир ҳолдир. Ҳаётини хавф остига қолдирса ҳам катта ва улғу ишларни қилган одамгина яхши одамдир».

Мардлик, ғайрат, шижоат, матонат доимо улғулиб келинган. «Мардлик ва матонат, — деганди Плуларх, — одамларга нафақат душман куралига қарши туришда, балки ҳар қандай зарбаларга қарши туришда ҳам ҳудди шундай зарурдир».

Плуларх ҳикматлари ханузгача инсониятга хизмат қилиб келмоқда.

Мусокул УСМОНОВ, профессор.

Сабoқ ДЕВОР ОШИБ ҚЎЛГА ТУШДИ

Бир товўққа ҳам дон, ҳам сув керак. Кишлоқлардаги ҳар бир хонадон соҳиби уйдан сутқатиқ аримаслиги ва бирор қорига яраб қилиши учун 4-5 та қорамол, 2-3 та қўй-эчки боқиб юришади. Одатда, маҳалларда йиғин бўлса, бир-бирини ёнида туриб, елиб юғрадиган қўшнилари билан кўпчиликнинг биринчи хиралиқлардан нимагадир кўнгиллари тинчимайди.

— Бечора Авазга қийин бўлди. Ношудлар бола-чақаларининг насибасини қирқиб, биратўла 5 та молини ўғирлаб кетишибди. Қолаверса, фарзандларининг ҳам бирин-кетин буйи етиб қолган эди, — деса бири, — Туман марказидаги ташкилотларнинг бирида ишлаяпман, деб жуда ўзига бино қўйиб юборган эди, — дейди иккинчиси.

Нима бўлганда ҳам мол ўғирланди, жиноят содир этилди. Беқобод туманида яшовчи Имом ва Ботир Омоновлар шум ниятларини амалга ошириш мақсадида Бобур номили жамоа ҳўжа-лиги ҳудудида истикомат қилувчи Аваз Раимкулов уйи томон қадам ранжида қилдилар.

Тун осуда... Фақатгина осмонда чарақлаб турган юлдузлар негадир Имом билан Ботирга тушун қараб тургандек туюлади. Балки... Йўқ, улар девор оша молхона томон юрдилар. Жониворларни бўшатиб, йўлга ҳайдади.

— Манзилга тезда етиб олсак бўлгани, у ёни бозор!

Текин пул топишнинг ҳадисини олган бу икки нотовон бу гал ҳам ишни «дўндиришди». Аммо уларнинг қувончлари кўпга чўзилмади. Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ўғрилар ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Шерали АНВАРОВ.

ЁШАРТИРИШ НЕЪМАТЛАРИ

Маккажўҳорида ёшартириш хусусиятларига эга моддалар мавжуд бўлиб, улар модда алмашинуви яхшилайдди, сочларни, тирноқларни мустаҳкамлаб, терига яхши таъсир кўрсатади.

ларнинг фикрича, у хурсандчилик эҳтиросини келтириб чиқаради.

Болгар қалампери ҳаёт кучини оширади, ҳазми фаоллаштиради, қон айланишини яхшилайдди, жинсий эҳтиросни кўзғатади. Айрим парҳезшунос

Карам салатлари иммунитетни мустаҳкамлайди, айрим даражада онкологик касалликлардан асрайди. Англия ва немис олимларининг таъкидлашича, қундалик овқат рационал ракамни қўшадиганлар саратон (рак) касалликлари билан кам оғрир эканлар.

Шахмат ажойиботлари ЯРАШУВ



бурчак-бурчакка олдилар... Тасодифданми ёки пинҳоний шартга кўрама, ҳар қалай, дружиначиларнинг бир қисми афиса ёпиштириладиган тахта ёнида тўхтаб, олдинда фақат Иван Иванович билан Иван Никифорович қолдилар. Улар чурқ этмай, тўрига қараб боришарди. Аллақачондан бери қилмишидан афсусланиб юрган Иван Никифорович ҳам, Иван Иванович ҳам иччиларидан ҳозирок жон деб ярашмоқчи эдилар-ю, лекин биринчи бўлиб гап бошлашга бўйинлари ёр бермасди. Иван Иванович ҳаттоки қадамни тезлатиб, Иван Никифоровични бир неча метр орқада қолдириб ҳам кетди. Олдинда кулранг шляпалик Иван Иванович, кетидан виждон азобиға гирифтор

Мамажон МУҲИТДИНОВ билан Иван Никифорович аввалгидек ош-қатиқ бўлиб қолишгани, рўпарам-рўпара ўтириб олиб шахмат суришаётганини қиришди ҳодимлар. Энг аввало улар ўша бадбахт ўйинни бошқатдан ўйнашга қарор қилишди. Буниси ҳаққоний ва олийжаноб жанг бўлди. Ўйин ўрталарида Иван Иванович оддийгина, лекин аниқ комбинация қилиб фарзинни ютиб олди. Ўйинни томоша қилиб турган Иван Никифоровичдек тажрибали ўйинчи шундай яхши вазиятда қандай қилиб ашадди-я, деб озмунча таажжубланмадилар. Ишқилиб, Иван Иванович ютди, шу билан баробар ҳисобда мувозанат ясади.

Энди ҳамма нарса аввалгидек давом эта бошлади. Иван Никифорович ҳар куни вақт бўлди дегунча янги шахмат тахтасини очиб, донларни теригаша тушади, у охириги пиёданни жойига қўяётганда эшик олдида Иван Иванович пайдо бўларди.

— Қани, бўлмасам... дерди Иван Иванович атрофдагиларга хиёб таъзим қилгандек бўлиб. — Нима ҳам дердик... дея соат тугмасини борсарди Иван Никифорович.

МАРОКЛИ МАШҚЛАР Иккала тасвирда ҳам оқлар бошлар 2 юришда мот қилади.



ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимқўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламурадov (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиков.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Масъул: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда «Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувида эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Басмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.30